

# Йиллик оқимнинг ўзгарувчанлиги

## Режа:

1. Йиллик оқимнинг ўзгарувчанлигини белгиловчи омиллар. Ўзгарувчанлик коэффициенти.
2. Муз-қор ва қор-муз сувлари ҳисобига тўйинадиган дарёлар оқимининг йилдан йилга ўзгарувчанлиги.
3. Мавсумий қор ва қор-ёмғир сувлари ҳисобига тўйинувчи дарёлар оқимининг ўзгарувчанлиги.

Марузачи:

т.ф.н. Ф. Гаппаров

# Йиллик оқим ўзгарувчанлиги


Дарёларнинг оқими доимий бўлиб қолмасдан, йилдан-йилга ўзгариб туради.

- дарёларни тўйиниш манбаларига;
- сув йиғилиш ҳавзасининг ўртача баландлигига боғлиқ.


Бундай ўзгаришни гидрологик ҳисоблашларда ўзгарувчанлик (вариация) коэффиценти  $C_v$  орқали ифодаланади.

# Йиллик оқим ўзгарувчанлиги дарёларни тўйиниш манбаларига боғлиқлиги

- Музлик ва мангу қор сувларидан тўйинадиган дарёларда оқим миқдори у йилдан бу йилга кам ўзгаради.
- Музлик ва мангу қорларнинг эриши ҳисобига ҳосил бўладиган оқим миқдори айти йилда ёққан ёғин миқдorigа боғлиқ бўлмайди.
- Музлик ва қорларнинг кўплаб эриши давридаги (июл-сентябр) иссиқлик баланси билан белгиланади. Иссиқлик баланси эса йилдан йилга кам ўзгаради.
- Қор сувларидан ҳосил бўлган оқимга нисбатан ер ости сувларидан ҳосил бўлган оқим ҳам йилдан йилга кам ўзгаради, ҳолбуки ер ости сувлари захираси асосан мавсумий қорларнинг эриши ҳисобига тўлиб боради.



**Оҳангарон дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфини ўзгариш графиги**



**Подшаотасой дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфини ўзгариш графиги**

# Ўзгарувчанлик коэффициенти куйидаги ифода орқали аниқланади:

$$C_v = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (k-1)^2}{n-1}}$$

бу ерда:  $C_v$  ўзгарувчанлик коэффициенти.

$$k = \frac{Q_{\text{ўр.ў}}}{Q_0}, \quad k\text{- модуль коэффициенти;}$$


$n$ - кузатилган йиллар сони.

# Музлик-қор ва қор-муз сувларидан тўйинадиган дарёлар йиллик оқимнинг ўзгарувчанлик коэффиценти

- Музлик-қор сувларидан тўйинувчи дарёларда оқим миқдори кам ўзгаради (Амударё, Вахш, Зарафшон, Чуй, Или, Сўх, Исфара ва шулар каби бошқа дарёлар). Бундай дарёларда йиллик оқим ўзгарувчанлиги коэффиценти 0,10-0,15 орасида бўлади.
- Қор-муз сувларидан тўйинадиган дарёларда (Норин, Чирчик, Сирдарё, Кофарнихон, Сурхондарё ва бошқа.) йиллик оқим ўзгарувчанлик коэффиценти 0,15 дан 0,25 гача бўлган ораликда ўзгаради.

# Сув йиғиш ҳавзалари паст жойлашган, мавсумий қор ва қор-ёмғир сувлари билан тўйинувчи дарёларда йиллик оқимнинг ўзгарувчанлик коэффициенти

- Сув йиғиш ҳавзалари паст жойлашган, мавсумий қор ва қор-ёмғир сувлари билан тўйинадиган дарёларнинг оқими йилдан йилга кескин ўзгарувчан характерга эга;
- Бу турга кирувчи дарёларнинг йиллик оқим ўзгарувчанлиги  $C_v$  одатда 0,25-0,60 ва ундан ҳам катта бўлиши мумкин (Қашқадарё, Оҳангарон, Арис, Талас ва бошқа);
- Сойларда эса йиллик оқим ўзгарувчанлиги янада кўпроқ бўлиши кузатилиб,  $C_v$  қиймати 1,00 ва ундан катта бўлиши мумкин.



10-расм. Ўрта Осиё дарёлари йиллик оқимининг вариация коэффицентлари кўрсатилган схематик карта:  
 1 — асосий сув айирғичлар; 2 — йиллик оқимнинг вариация коэффицентини кўрсатувчи изолиниялар.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё дарёларида ўзгарувчанлик коэффицентини 0,08-0,60 орасида бўлиши мумкинлиги кузатилади.